



O'ZBEKISTON OVOZI

Хар биримизда ғурур туйғуси бор, лекин бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак

Муносабат

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ САМАРАСИ

одамларнинг ҳаёт тарзи ўзгариб, турмуш фаровонлиги кундан-кун ошаётганида кўринмоқда

Мамлакатимизда ривожланишнинг ўзбек модели асосида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили давлат жами ҳаражатларининг қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди. Шунинг 34 фоиздан ортиги таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Умуман олиб қараганда, юртимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган ислохотлар йилдан-йилга тақомиллашиб, тобора янги босқичга кўтарилиб бормоқда.

Ўтган 2012 йилда биргина Самарқанд вилоятида Давлат бюджетни ҳисобидан 308,6 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 135 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 112 та аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти яхшиланди. 91 километр сув тармоқлари, 15 та резервуар ва сув миноралари, 84 та қудуқлар қазилди. Натيجида қарийб 70 минг аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Вилоятнинг турли ҳудудларида 8 та соғлиқни сақлаш объектларида таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. 990 та янги наъмунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилди ва бу мақсадлар учун 98,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2013 йилда ҳам вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш мақсадлари учун катта ҳажмда инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган. Вилоятнинг барча ҳудудларида 1050 та янги намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, 5 та мусика ва санъат мактаби, 7 та спорт зали ҳамда бошқа объектларни барпо этиш, таъмирлаш, капитал реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда.

Ўтган йилда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил олиб бориш

ишларига Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Халқ депутатлари Булунғур, Нарпай, Жомбой, Пахтачи туманлари, Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳар Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари томонидан ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастури асосида электротат манфаати билан боғлиқ турли масалаларни сессиялар, доимий комиссиялар мажлислари кун тартибига олиб киришди. Худудлар ва соҳаларнинг ривожланиш ҳолати, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар атрофича муҳокама қилиниб, уларнинг ечимига қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинишига эришилди.

2013 йилда турмушимизни янада обод қилишнинг устувор вазифалари аниқ белгилаб берилди. Бунда биз партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларида уй-жой қуриш масалалари бўйича қабул қилинган қарорлар самарали ижро этилиши учун қаттиқ депутатлик назоратини амалга оширишимиз керак. Бу эса барчамиздан ўз зиммасизга юкланган вазифаларни сийқидилган бажариш, ташаббускорликни кучайтириши талаб этади.

Ўқтам САИДУРОДОВ, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раиси, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

Теннис

ДЕНИС — ЯРИМ ФИНАЛДА

Австралиянинг Мелбурн шаҳрида «Катта дубулга» туркумидаги энг нуфузли тўрт турнирнинг дастлабкиси — Австралия очик чемпионати давом этмоқда.

Мусобақанинг аралаш жуфтлик бахсларида қозғистонлик Ярослав Шведова билан ҳамкорликда ўйнаётган тажрибали теннисчиси Денис Истомин Вания Кинг (АҚШ) ва Марсело Мело (Бразилия), хитойлик Дзи Ян ва мексика-

лик Сантьяго Гонсалес, испаниялик теннисчилар — Нурия Лагостера Вивес ва Давид Марреро жуфтлигини мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқди.

Денис Истомин ва Ярослава Шведованинг ярим финалдаги рақиби австралиялик Ярмила Гайдосова ва Мэттью Эбден ҳамда россиялик Надия Петрова ва ҳиндистонлик Махеш Бхупати жуфтликлари ўртасидаги баҳсда аниқланади.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ

Тошкентда 22-23 январь кунлари «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, педагоглар, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан иқтисодий ёшлар вакиллари — давлат муқофотларига сазовор бўлган йигит-қизлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва махсус стипендиялар соҳиблари бўлган олий ўқув юртли талабалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

⇒ 2

2013 йил — Обод турмуш йили

КЎНГИЛ ОБОД БЎЛСА

турмуш ҳам фаровон бўлади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Тўлқин Тўрақулов

«Қипчоқ» — Жиззах шаҳридаги ўттиз тўртта маҳалланинг бири. Бу ерда ўндан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Ўтган йиллар давомида маҳаллада катта ҳажмда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Замонавий уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, савдо ва умумий оқватлашни шохобчалари қурилди. Кенг, равион йўллар, кўприklar, гулзори хибоблар барпо этилди. Табиийки, шунга мос равишда одамларнинг яшаш тарзи, дунёқараши ҳам ўзгариб бормоқда.

— Дарҳақиқат, ободлик кўнгиладан бошланади, — дейди маҳалла раиси Тўлқин Тўрақу-

лов. — Киши қалбидаги ободлик интилиш, аввало, оила-сига, сўнг маҳалласига кўчадир. Демак, кўнгиладан бўлса, турмуш ҳам обод бўлади. Ўртбошимиз Обод турмуш йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастури йўналишлари ҳақида гапирар экан, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шarti маҳаллани обод қилиш эканлигини алоҳида таъ-

кидлади. Бу маҳалла идораси вакилларининг зиммасига катта масъулият юклайди. Ажратилаётган ижтимоий ёрдам масаласида адолатли бўлишини, маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кўчайтиришда фидойий бўлишимиз, бериладиган янги ҳуқуқ ҳамда ваколатлардан тўғри, тўлиқ фойдаланишимиз талаб этилади.

Айни пайтда «Қипчоқ» маҳалласида 13 нафар ногирон, 67 нафар боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила бор. Уларни ижтимоий ҳимоялашга, ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилаёلمиз. Бунда маҳалланинг саховатпеша тadbир-корлари ҳам беминнат ёрдам бериб келаяпти. Қўп миллатли маҳалла аҳлимиз ўзаро ахил, тотув.

— Ўтказиладиган тўй-тантана, маъракаларга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди МФЙ раисининг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Холмуродова. — Уларни ихчам, камчиқим ўтиши тарафдори бўлиш билан бирга, турли миллат ва элат вакилларининг урф-одати, анъаналарига ҳурмат билан қараймиз. Бу албатта, маҳалламиз ахлининг ўзаро ахил-иноқлигини янада мустаҳкамламоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎҚУВЛАРНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИШ

тадбирлар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади ⇒ 2



ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ

ярашув институтининг кенгайишига, судланганлик ҳолати тугалланиши муддатлари қисқартирилишига хизмат қилади ⇒ 3

ТИББИЙ КЎРИК — СОҒЛОМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ



Сирдарё вилояти Сайхунбод тумани поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ТИББИЙ МУАССАСА — ЯНГИ БИНОДА

Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббий муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ҳақда Сирдарё вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган. Вилоятда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббий маркази, шаҳар ва туманларда тиббий ёрдам бинолари таш-

кил этилди. Жумладан, 2012 йилда ҳудуддаги олти соғлиқни сақлаш объектида реконструкция ва бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Янги очилган тиббий муассаса замонавий флюорография, УЗИ, ЭКГ аппаратлари, лаборатория асбоб-ускуналари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу беморларга ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш ва уларни самарали davолаш имконини бермоқда.

А. МУСТАҒОҚУЛОВ, (ЎЗА)

ЯНА 1050 ТА УЙ-ЖОЙ

Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар йилдан-йилга кўпайиб, қишлоқларимизни кифёаси таомонан ўзгариб бормоқда.

Қашқадарё вилоятида 2011 йилда 805 та, 2012 йилда 870 та намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилди. 2013 йил — Обод турмуш йилида эса

1050 та уй-жой қуриш режалаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 январдаги «2013 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қуриш бўйича дастур тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бунёд этиладиган бундай уй-жойларни қуриш учун вилоятда 92 гектар ер ажратилди.

Музаффар ТУРОПОВ

Қонун ва шарҳ

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ

ярашув институтининг кенгайишига, судланганлик ҳолати тугалланиши мuddатлари қисқартирилишига хизмат қилади

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳақида суд-ҳуқуқ соҳасига оид муҳим қонунлар қаторида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам маълумланди. Қонун 2013 йил 4 январь кунини матбуотда эълон қилиниб, қонуний кучга кирди.

Дарҳақиқат, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддаларига қатор ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 41-моддаси алоҳида бешинчи қисм, яъни «Тадбиркорлик субъектларининг ўзларида кўрсатилган хизматлари, шу жумладан берилган кредитлар юзасидан банклар ва бошқа молия ташкилотлари олдидан шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик тавakkалчиликлари ҳақида бошқа тижорат тавakkалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганлиги банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди» тахриридаги норма билан тўлдирилди.

Маълуки, судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтидир

билан ўзро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаган бўлса, иккинчидан тадбиркорларни ўз фаолиятида тавakkалчилик асосида фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, қўзланган мақсадга эриша олмай, кредитлар юзасидан банклар ва молия ташкилотлари олдидан шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 66-моддасида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар доираси янада кенгайтирилиб, 180-модда («Сохта банкротлик»), 181-модда («Банкротликни яшириш»), 189-модда («Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш»), 191-модда («Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш») билан тўлдирилди.

Маълуки, судланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтидир

тувлари билан бир хисобланиб, жиноят содир қилинган пайтдан то судланганлик мuddати тугалгунча жиноят ҳуқуқий муносабатлари келиб чиқади. Судланганлик эса, шахсининг содир қилган жинояти учун муайян жазо турига ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жиноят кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши мuddатлари белгиланган. Унга қўра, шахсининг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда яъни, шартли ҳукм қилинганларга нисбатан — синов мuddати тугалган кундан бошлаб, хизмат бўйича чеklang ёки интизомий қисмга жўнатилган тартибдаги жазоларини ўтаб чиқач, жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтган, қамқол жазоси ўталганидан кейин — икки йил ўтган, беш йилдан кўп бўлмаган мuddатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — тўрт йил ўтган, беш йилдан ортқ, лекин ун йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — етти йил ўтган, ун йилдан ортқ, лекин ун беш йилдан кўп бўлмаган мuddатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин — ун йил ўтган, тугалланиши белгиланган. Ушбу Кодекснинг 79-моддаси талабига қўра эса, агар шахс

озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бириктириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахсининг ўзи берган илтимосномасига қўра, суд Кодексининг 78-моддасида назарда тутилган мuddатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Қабул қилинган янги қонуннинг 2-моддаси 3-бандига қўра, Жиноят кодексининг 79-моддаси янги иккинчи қисм билан тўлдирилиб, унга биноан «Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185*, 189-192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатта жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган мuddатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин»лиги белгиланди.

Қонунга бундай ўзгартиришни киритилиши, судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлишини инобатга олсак, жиноий жавобгарликка тортилиб, жазо ўтаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг жамиятга тезда мослашиб кетишига имконият яратди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 183-моддаси янги тахрирда баён этилиб, унга қўра ўзгартиришлар «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг айрим моддалари матни билан мослаштириш мақсадида киритилди.

Жумладан, «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси биринчи қисми 3 ва 4-бандларида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш

ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни ижро этишдан бўйин товланганлик ёки ўз вақтида ижро этмаганлик учун, шунингдек, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлгон маълумотлар тақдим этганлик учун жарима солиниши белгиланган.

«Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасида монополияга қарши органининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан қарорига асосан, ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсга кўрсатма бериши белгиланиб, 33-моддасида эса кўрсатма унда кўрсатилган мuddатда ижро этилиши кўзда тутилган.

Шундай қилиб, киритилган ўзгартириш табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларга ва монополияга қарши органининг қарорини (кўрсатмасини) бажармаган шахсларга нисбатан чора кўриш имконини беради.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 223-моддасининг («Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш») иккинчи қисми «такроран ёки хавфли рецидивист томонидан» деган банд билан тўлдирилди, яъни қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш тартибининг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этган тақдирда жиноий жавобгарлик муқарраллиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилди.

Абдунаби ДЖАЙНАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалиқ қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.



Хориж

Кўчалар Ёритилмайди

иқтисод шунга мажбур қилмоқда

2008 йилдан бери давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлатлар иқтисодиётига ҳамон таъсирири ўтказиб келмоқда. Ривожланган мамлакатлар ҳам инқироз таъсирири «кесиш» учун чоралар қўллашмоқда.



Жорий йилдан Франция ҳукумати амалга жорий этган чорани ҳам шу йўлда ташланган қадам дейиш мумкин. Аммо экспертлар бу қадам хавфлидир, деган фикрда. Гап шундаки, эндиликда

Франция шаҳарларида, жумладан, Парижда ҳам кечалари нафақат кўчалардаги, балки дўкону рестороанлар ва бошқа идоралардаги чироқлар ёқилмайди. «Мир новостей» газетасида чоп этилган хабарда қайд қилинишича, мамлакат президенти девони кўрсатмасига биноан тунги соат 1 дан эрталабки 7 гача шаҳарлар кўчалари ва биноларини ёритувчи чироқлар электр энергиясини тежаш мақсадида ўчириб қўйилади.

Аммо жамоатчилик ушбу чорадан мамнун эмас. Негаки, шаҳарларда зулмат ҳукмронлик қилгач, жиноятчилик урчиб кетмаслигига ҳеч ким қафолат беролмаслиги уларни хавотир-саломқода.

5400 ТА ИШ ЎРНИ

қисқартирилади

«American Express» молия корпорацияси ўз сайтида эълон қилган маълумотларга қараганда, корпорация амалда фаолият кўрсатаётган қисмларининг 8 фоизини, яъни 5400 та иш ўрнини қисқартирмоқчи.

Маълуки, мобил алоқа ривожининг хатман хатман интернет орқали ишлаш «қоғоз билан ишлаш» жараёнига барҳам берилмоқда. Бу эса ортиқча шпгтлардан воз кечишни тақозо этади.



Айни пайтда корпорацияда 63,5 минг ходим меҳнат қилмоқда.

Дарвоқе, корпорация 2009 йилда ҳам катта қисқаришни амалга оширганди. Ушунда 4 минг ходимнинг иш ўрни қисқартирилган эди.

Реклама



ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ БАНКИ: ИҚTISODИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ЯНГИ ИШ ҲИЗОЛАРИ

Иқтисодий инқироз давом этаётган ва жаҳон иқтисодиётининг ўсиши сурьатлари пасайиб бораётган бир шароитда мамлакатимиздаги корхоналар янгидан ривожлантирилмоқда. Уларда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётти, минглаб одамлар доимий даромад манбаига эга бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакат иқтисодиёти ўсиши ва аҳоли фаровонлиги ортишига хизмат қилади.



Банклар корхоналарга инвестициялар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилас, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш ва янги иш ўринларини вужудга келтириш йўли билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашда курсатаётган ёрдами муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 18 ноябрдаги Фармони қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки то-

монидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, банкрот корхоналарни соғломлаштиришда олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини берапти.

Хозирги кунда корхоналарни реструктуризациялаш уларни молиявий соғломлаштириш ва барқарор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг самарали ва энг муҳим усулларидан биридир. Бунда ишлаб чиқаришни ташкил этиш тақомиллаштирилиши, қувватлар модернизацияланиши, чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпайтирилиши, ташқи ва ички инвестициялар жалб қилиниши кўзда тутилади.

2013 йил 1 январдаги ҳолатга қўра, 67 та иқтисодий ноचор корхона Мил-

лий банк балансига ўтказилган. Уларни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш ва технология қайта жиҳозлаш учун 157 млрд. сўмдан ортқ маблағ инвестиция сифатида йўналтирилган.

Хозирда 35 та корхона, шу жумладан Миллий банк уларнинг устав фондларига қўшган 585,6 млрд. сўм миқдордаги улушлар янги инвесторларга, хусусан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйишда, чиқарилган маҳсулотни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бўлган хорижий инвесторларга сотилди.

Амалда янгидан ташкил этилиб, иқтисодиётнинг турли секторларида ишлаётган барча корхоналар — йирик тўқимачилик корхоналари, гилам маҳсулотларини тўқувчи корхоналар, қувурлар, озик-овқат маҳсулотлари, шойи ишлаб чиқарувчи ва бошқа қўллаб йирик корхоналар ҳозирнинг ўзидеёқ жўшқин ривожланиш йўлини тўтиб, иқтисодий ва ижтимоий фойда келтира бошлади.

Хусусан, 2009-2012 йилларда: — Қашқадарё виллоятда жойлашган «Oq Saroy Textile» масъулияти чекланган (МЧЖ)да 103,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 54,4 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 581 та иш ўрни яратилди;

— Ташкент виллоятда жойлашган «Chinoz Textile» МЧЖда 83,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 36,1 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 574 та иш ўрни яратилди;

— Хоразм виллоятдаги «Норазм Silamlari» МЧЖда 38,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 377,9 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 685 та иш ўрни яратилди;

— Ташкент шаҳридаги «Asia Pipeplast» МЧЖда 5,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 94 та иш ўрни яратилди;

— Андижон виллоятдаги «Asia Pipeplast» МЧЖда 10,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 96 та иш ўрни яратилди;

— Андижон виллоятдаги «Royal Silk» МЧЖда 7,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 267,4 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди ва 70 тадан ортқ иш ўрни вужудга келтирилди.

«Фаргона фуранли бирикмалар кимё заводи» унитар корхона (УК) ва «Агро-керамика» қўшма корхонаси (ҚК) каби солиқ банкрот корхоналар мисолида ҳам молиявий соғломлаштиш тенденциясини кузатишимиз мумкин.


Банкрот бўлган «Фаргона фуранли бирикмалар кимё заводи» УК негизда Миллий банк томонидан «Farg'ona Kimyoo Zavodi» МЧЖ ташкил қилинди.

Унинг ишлаб чиқариш фаолияти 2012 йил декабрь ойида қайта тикланди. Албатта, корхонани инвестицияларсиз ҳаётга қайтаришнинг имкони йўқ эди. Шу боис ишлаб чиқаришни тиклаш ва уни зарур айланма сарома билан таъминлаш учун Миллий банк 1,7 млрд. сўм миқдорда пул маблағлари ажратди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган даврнинг ўзида жами 2,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 729,6 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Хозирги вақтда янгидан ташкил қилинган корхонада 500дан зиёд мутахассис доимий иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва ҳажмининг ошириш мақсадида, хозирги кунда корхонада йилнинг исталган фаслида автоматизациянинг пешойналарини ювиш учун мўлжалланган музламийдиган суоқлик ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинапти.

Банкрот бўлган «Агрокерамика» ҚК негизда ташкил қилинган «Keramik Modern» МЧЖ Миллий банк томонидан олиб борилаётган самарали фаолиятга яна бир ёрқин мисол бўлиши мумкин. Маъзул корхонанинг асосий фаолияти тури сопол плиталар ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Корхонада ишлаб чиқаришни тиклаш, уни модернизациялаш ва зарур айланма сарома билан таъминлаш мақсадида, Миллий банк томонидан 1,6 млрд.



сўм миқдорда пул маблағлари ажратилди. Амалга оширилган таъмирлаштириш натижасида 2010 йилнинг май ойида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва ўтган давр мобайнида жами 4,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ҳамда 79 та иш ўрни вужудга келтирилди.

Технологик жиҳатдан янгиланиб, фаолияти банк инвестициялари ҳисобига тикланган корхоналар, табиийки, янги инвесторларнинг эътиборини жалб қилади. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг бозор қийматини аниқлаш учун Миллий банк томонидан мустақил баҳолаш компанияси жалб этилди ва банкнинг «Keramik Modern» МЧЖ устав фондидаги 100 фоизлик улуши «Республика мулк маркази» ЁАЖ орқали биржа савдоларига қўйилди. Натижада корхона янги мулкдорга эга бўлди.

Иқтисодий қийинчиликларга дуч келган янги корхоналарнинг активларини самарали бошқариш, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, тикланган корхоналарни сотиб олиш истигадиди инвесторларнинг излаб топилш учун банк иккита шуъба инвестиция компанияси — «NBU Investment» ва «NBU Invest Group»ни ташкил қилди.

Ишлаб чиқаришни тиклаш учун Миллий банк ва инвестиция компанияла-

рининг мутахассислари ҳар бир корхона синхилини таъмирлади, уни ривожлантириш истиқболларини аниқлайдилар, фаолиятини мониторинг қиладилар, сотув каналлари ва етказиб бериувчилар билан алоқаларни бошқариш усулларини тақомиллаштиридилар, харажатлар ва иш самарадорлигини таҳлил қиладилар, малакали мутахассисларни танлайдилар ва қўллаб бошқа ишларни бажарадилар. Олиб борилган ишлар натижасида — 2012 йилда корхоналарда, жумладан, янги инвесторларга сотилган корхоналарда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 508,0 млрд. сўмини ташкил этди ва 16 мингта янги иш ўрни яратилди.

Паст рентабелли корхоналарни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг ташқи таъмирларга нисбатан барқарорлигини таъминлаш имконини берапти, иқтисодиёт барқарор ривожланиши, экспорт ҳажмлари оширилиши, янги иш ўринлари вужудга келтирилиши учун шарт-шароит яратаяпти ва шу аснода аҳолининг турмуш даражасини оширмоқда. Бу муҳим иш келгусида ҳам Миллий банк фаолиятини устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Миллий Банк матбуот хизмати.

Таълим

МУАЛЛИМЛИК
МАСЪУЛИЯТИ

Дунёда касблар кўп. Бироқ, ўқитувчилик улар ичида энг улуғи. Чунки, муаллим мурғак бола қалбига мўъжизалар ярата олади. Баркамол авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан унинг меҳнатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқитувчиликни танлаганимдан, шундай касб эгаси бўлганимдан фахрланаман.

Мустақиллик йилларида юртимизда мактабга, таълимга, ўқитувчига эътибор ошди. Мамлакат миқёсида бугун муҳташам, замонавий илм даргоҳлари барпо этилди. Улар халқро андозалардан асло қолишмайдиган ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Бундай шароитда ишлаш, ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг ўзи шарофли ва масъулиятлидир. Мактабимиз нафақат туманда, балки вилоятдаги намунали, таянч таълим масканларидан бири саналади. Айни пайтда 313 нафар ўқувчига 22 нафар малакали муаллим таълим-тарбия берапти. Уларнинг сифиди ўз касбининг чинакам ус-таси бўлган, уни фидойи меҳнати билан шарофлаётган педагоглар кўпчилигини ташкил этади. Немис тили фани ўқитувчиси, олий тоифали педагог Фариди Султонова ана шундайларнинг бири. Унинг ҳар бир дarsi ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши, таъсирчан ва самардорлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, у таълим берган йигирма нафарга яқин ўқувчимиз турли даражадаги халқро танловларда ғолиб чиқиб, эндиликда хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳларида сабоқ оляпти, чет эл компаниялари ва корхоналарида самарали хизмат қилапти. Ўқувчилари фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларининг республика босқичларида фахрли ўринларга му-

носиб кўрилган яна бир ўқитувчимиз Абди Маъмировдир. Ундан сабоқ олган 7-синф ўқувчиси Дурдона Холикулова ўтган йилида биология фани бўйича мамлакат миқёсидаги билимлар беллашувида биринчилигини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Тарих фани муаллими Мираҳмад Бегитбоев, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шохиста Эргашевалар тўғрисида ҳам ана шундай илқ фикрлар айтиш мумкин. Улардан дарс олган ўқувчиларимиздан Насиба Тўйчиева Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Нигора Хамидова, Дилдора Абдуллаева, Аслиддин Абдуллаев сингари ўқувчиларимиз эса республика фан олимпиадаларида фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди.

Бизда асосан табиий ва аниқ фанлар чукур ўргатилади. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортга ҳам алоҳида эътибор берилади. Қўл тўпидан қизларимиз, шохмотдан терма жамоамиз вилоятда ҳар доим фахрли ўринларни қўлдан бой беришмайдилар. Ўтган йилида 5-синф ўқувчиси Элбек Тўйчиев эса шохмот бўйича республика биринчилигида кучли ўнликдан жой олди.

Сайфиддин САИДОВ,
Ғаллаорол туманидаги 87-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори.

Саломатлик — обод турмуш гарови

ТИББИЙ КЎРИК —
СОҒЛОМ ОИЛА
ПОЙДЕВОРИ

— дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 7-тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Тиловердиев

— Тери инсонга кўркамлик бағишлаш билан бирга саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуслики, ҳамма ҳам бунга етарли аҳамият бермайди. Шу боис тери касаллигига чалинган беморларга қандай тавсияларингиз бор? Шунингдек, бу дардинг олдини олиш, айниқса, ёшлар бу хасталикка чалинмаслиги учун нималарга аҳамият берилмоғи керак?

— Бугунги кунда диспансеримизда 14 нафар малакали шифокор ҳамда 12 нафар ҳамшира туманимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда шифохонамизда тери-таносил касаллигига чалинган беморларга тиббиётнинг энг сўнги ютуқлари-

лашган олий таълим муассасаларида, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда мактабларда ўтган йили юздан зиёд тадбир ўтказилди. Бу эса табиийки, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тиббий маданиятнинг ошишига хизмат қилади.

— Диспансер ходимлари томонидан ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишда нималарга эътибор берилмоқда?

— Маълумки, Вазирлар Маҳамасининг 2003 йилдаги 365-сонли қарорига асосан никоҳланувчилар шаҳар ва туман ФХДЭ бўлимлари йўлланмаси билан турар-жойлардаги оилавий поликлиникаларда, шу билан бирга, 5 та йўналиш, яъни рўйий-асаб ҳамда тери-таносил касалликлари, силга қарши, наркологида ва ОИТСга қарши кураш диспансерларида текширувлардан ўтказилиб, яқуний хулоса берилиши белгиланган. Тиббий кўриқ даврида ёшларда никоҳга монелик қилувчи касалликлар аниқланганда, уларга даволаш ёки қонунда кўрсатилгандек тавсиялар берилди.

Ўтган йилда диспансеримиз томонидан 3 минг нафарга яқин ёш келин-куёв тиббий кўриқдан ўтказилди. Улар орасидан касалликка чалинганлари ҳам аниқланди. Бундай ҳолатда даволаш ишлари оғиб бўрилиб, уларга соғайгандан сўнг никоҳдан ўтишлари учун маълумотнома берилди. Бу каби тиббий кўриқ ёш оилаларга ҳар жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Айталик, бирон-бир сабаб билан юқтирилган касаллик ўз вақтида аниқланмаса, никоҳдан сўнг бу ҳолат нафақат келин-куёвнинг, балки уларнинг бўлажак фарзанди соғлиғига ҳам жиддий зарар етказиши ва оиланинг бузилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Бундай ноҳус воқеалар келиб чиқмаслиги учун диспансеримиз шифокорлари никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг афзалликлари, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий жиҳатлари, тери-таносил касаллиги ва ОИТС ҳамда гетероконизи сингаги иллатларнинг аянчи оқибатлари хусусида таълим даргоҳларида, маҳаллаларда ҳамда турли ташкилот ва идораларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Бизнинг асосий мақсадимиз, касалликни ўз вақтида аниқлаш, турли оғир хасталикнинг олдини олиш, асоратларини ўз вақтида сифатли даволаш. Соғлом кишилардан соғлом фарзандлар дунёга келади. Бу эса, соғлом миллат — соғлом жамят, демакдир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Футбол

Футбол бўйича Санкт-Петербургда давом этаётган МДХ кубоги халқро турнирида ярим финалчилар номи аниқланди. Мусобақанинг гуруҳ босқичида ўн икки терма жамоа баҳсларга киришган эди. Унда сараланган энг кучли саккиз жамоа аъзолари учрашувларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР
АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг «В» гуруҳида мезбонлар, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон футболчиларига қарши муносиб ўйин намойиш этди. Ўз гуруҳида иккинчи погонани эгаллаган ҳайратларимиз кўрвага кўра, Ўз гуруҳдоши Россия футболчилари билан куч синашадиган бўлди.

— Ҳар бир ўйин жамоамиз учун муҳим аҳамият касб этади, — деди чорак финалдан олдин бош мурабий Аҳмаджон Мусаев. — Бизни ёзда йилнинг энг ийрик мусобақаси кутиб турибди. Мақсадимиз жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишдир. Шу боис, МДХ кубоги баҳсларида таркибдаги ҳар бир ўйинчини жиддий синовдан ўтказиш ва жамоавий ўйинни шакллантиришга эътибор қаратаймиш. Мезбонларга қарши иккинчи мартаба майдонга тушамиз. Бу қуръанинг бизга аталган яна бир «совғаси», десамо хато қилмайман. Рақибимиз кучини яхши биламиз. Биз чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб, муҳлисларимизни қувонтиришга албатта ҳаракат қиламиз.

Бу жамоаларнинг дастлабки учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилганди. Шу боис, ярим финал йўлланмаси учун кеңган баҳс ҳам барчаннинг диққа марказида турди. Унда омад россияликларга кулиб бокди — 0:2.

Бошқа ўйинлар натижалари:
Белорусь — Қозоғистон — 2:1
Тожикистон — **Литва** — 1:1 (пен. бўйича — 2:4).

Украина — Молдова — 5:0.
Бугун эса мусобақанинг 9-12 ўринлар учун ўйинлар ўтказилади: **Эстония** — Туркменистон, **Қирғизистон** — Латвия.
Ярим финал ўйинлари эртага бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБОВ

Ижтимоий реклама

**2013 йИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ
КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН
ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН
БУЙОРМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!**

2013 йИлда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндоги уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва раво йўлларга эга;



- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК
ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилавий режаслар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади;

- Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.

Келажак учун ЖАМФАРМА
ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни қўлайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида қўлайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ
СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи курувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир шилдик сифат кафолати;
- Улғуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Мархамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- «Қамолот» ЁНХ бўлималарига;
- Хотин-қизлар қўмталарига;
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минн банкларига;
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiyiddin

MUHIIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMI:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146

19605

nuxxada bosildi.

Nashr ko'rstikichi — 220 t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 20.50

Topshirilgan vaqt — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5